

**Тошкент кимё-технология институти Халқаро ҳамкорлик бўйича проректори Бабаханова З.А. ва Халқаро алоқалар бўлим бошлиғи Саидахмадов С.С. 2023 йилнинг 11-16 сентябрь кунлари Венгриянинг Обуда университети ва Латвиянинг Латвия табиий фанлар ва технологиялар университетига амалга оширган хизмат сафари бўйича**

### **ҲИСОБОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Венгрияга олий даражадаги ташрифи давомида ҳамда Венгрияда бўлиб ўтган II-Ректорлар форумида эришилган келишувларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент кимё-технология институти ректори Б.Ш.Усмонов 2023 йилнинг 11-13 сентябрь кунлари Венгриянинг Обуда университетига хизмат сафари билан бўлди.

Ташрифнинг дастлабки кунда делегация аъзолари Обуда университети ректори Леванте Ковач ва университет раҳбарияти билан учрашув ўтказдилар. Учрашувдан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.10.2022 йилдаги Республика ҳудудларида инновация ва инвестиция фаолиятини жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги 606-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Жиззах вилоятида барпо этилаётган илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни ўзаро интеграциясини ичига олган инновацион технопаркда Венгрия тажрибасини қўллаш учун ҳамкорларни жалб қилиш этиб белгиланган. Ушбу жараёнларда Тошкент кимё-технология институти ва Обуда университети асосий ҳамкор олий таълим муассасалари сифатида иштирок этиши кўзда тутилмоқда.



Учрашув давомида, Обуда университет вакилларига ушбу барпо этилаётган технопарк ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, ушбу лойиҳада Венгрия томонининг амалий иштироки, ўзаро тажриба алмашиш масалалари, лойиҳага инвестициялар киритиш имкониятлари юзасидан музокаралар олиб борилди ва томонлар дастлабки келишувларга эришдилар.

Музокараланинг давоми жорий йилнинг октябрь ойида Тошкентда давом эттирилиши хақида келишилди.

**Ташрифнинг иккинчи кунид**а Тошкент кимё-технология институти ректори техника ва педагогика фанлари доктори, профессор Ботир Шукуруллаевич Усмонов Венгриянинг техника соҳасидаги энг нуфузли олий таълим муассасаси Обуда университети "Фахрий профессори" унвони билан тақдирланди.

Ботир Шукуруллаевич Усмоновнинг Обуда университети ва Тошкент кимё-технология институти ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларни чуқурлаштиришда қўшган улкан ҳиссаси, икки университет ҳамкорлигидаги биринчи венгрия-ўзбек инновацион технопаркини ташкил этиш устида олиб бораётган амалий ишлари алоҳида эътироф этилди.



**Маълумот учун:** Обуда университети 2010-йилда университет мақомини олган 13 йиллик ёш университет бўлса-да, Венгрия олий таълимнинг асосий локомотиви ва Венгрияда техник таълим берувчи етакчи амалиётга йўналтирилган таълим муассасаси бўлиб, у ерда 12000 дан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Энг сўнги, Times Higher Education 2022 ҳисоботида кўра, Обуда университети Венгриядаги энг юқори рейтингга эга техник университетдир. Обуда университети ёш университетлар рейтингидида Венгриянинг энг яхши олий таълим муассасаси сифатида рўйхатга олинган биринчи 350 ёш университетлар қаторига киради. Университетда 7 та факультет, 2 та таълим маркази, 17 та бакалаврият ва 11 та магистратура йўналишларида муҳандислик, информатика, фан, иқтисод ва бошқа соҳаларда рақобатбардош билимларни тақлиф этади.


Ташриф давомида Ботир Шукуруллаевич Усмонов Венгриянинг Обуда университетидида бўлиб ўтган "Recent Advances in Intellegent Engineering" симпозиумидида "Яшил иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш" мавзусидида маъруза билан иштирок этди.

Шбу симпозиумнинг мақсади Обуда университетининг энг нуфузли мукофотларидан бири бўлган “Обуда университетининг фахрий профессори” унвони билан тақдирланган жаҳонга машхур таникли олимларнинг инновациялар, тадқиқот ва илм-фан соҳасидаги сўнгги ютуқларини тақдим этиш учун платформа яратишдан иборат.



Хизмат сафарининг иккинчи қисмида Ботир Шукуруллаеивч Усмонов бошчилигидаги делегация Латвиянинг Латвия табиий фанлар ва технологиялар университетига ишчи ташриф билан жўнаб кетдилар.

Институт ректори бошчилигидаги делегация Латвия табиий фанлар ва технологиялар университетига ташриф буюриб ҳамкор университет раҳбарияти билан учрашув ўтказди.





Учрашувда икки олий таълим муассасалари ўртасида муҳим ҳужжатлар имзоланди. Учрашув давомида 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб икки ОТМ ўртасидаги қўшма таълим дастурларини самарали ташкил этиш (қабул жараёнлари бошланган), ТКТИ базасида ҳамкорликдаги халқаро илмий конференцияларни ташкил қилиш, ТКТИ ёш олимлари, илмий изланувчи ва докторантлари Латвия табиий фанлар ва технологиялар университети Scopus'га киритилган илмий

журналларида имтиёзли равишда мақолаларни чоп этиш каби устувор йўналишларда ҳамкорлик ишларини жадал давом эттиришга келишиб олинди.

Шунингдек, Тошкент кимё-технология институти, Латвия табиий фанлар ва технологиялар университети ва Бухоро муҳандислик ва технологиялар институти иштирокида Германия ҳамкорлик ташкилотининг (GIZ) «Марказий Осиёда иқтисодийнинг ўсиш тармоқлари учун профессионал таълим» (PECA 5) мавзусидаги лойиҳа доирасида Марказий Осиёда озиқ-овқат технологиялари бўйича барқарор ўқитиш учун ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва Марказий Осиё минтақасида янги мутахассислар малакасини ошириш учун озиқ-овқат технологиясини ўрганиш дастурларини ишлаб чиқиш мавзудаги халқаро лойиҳа совриндори бўлган.

Музокаралар давомида лойиҳа доирасида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар, ТКТИ профессор-ўқитувчилари ҳамкор университетда малака ошириш ва стажировка ўташ имкониятлари муҳокама қилинди.



Ташрифнинг иккинчи қисмида делегация аъзолари Латвия табиий фанлар ва технологиялар университетининг ўқув аудиториялар, инновацион лабораториялар фаолияти, озиқ-овқат ва ёғочсозлик йўналишларида эришилган энг сўнги илмий илмий ютуқлари билан танишдилар. Тошкент кимё-технология институти Целлюлоза ва ёғочсозлик кафедраси базасида Латвия табиий фанлар ва технологиялар университетининг Ёғочни қайта ишлаш кафедраси билан ҳамкорликда Европа стандартлари асосида синов лабораториясини ташкил қилиш юзасидан музокаралар олиб борилди. Келгуси босқичда масъул ходимлар тажриба алмашилиши кутилмоқда.

**ТКТИ Халқаро ҳамкорлик бўйича проректори  
Халқаро алоқалар бўлим бошлиғи**

**Бабаханова З.А.  
Саидахмадов С.С.**

19.09.2023 йил